

# ТОШКЕНТ НАҚІҚАТИ

VILOYAT  
IJTIMOIY-SIYOSIY  
GAZETASI  
2023-yil  
1-fevral  
CHORSHANBA  
№ 1 (13560)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline Haqiqat online haqiqatonline\_



## МАҚСАД ЖАЗОЛАШ ЭМАС, АММО...

Кун тартиби



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев шу кунларда жойларда бўлиб, 2022 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2023 йил учун режа-мақсадлар ижроси юзасидан фаоллар иштирокида таҳлилий-танқидий йиғилишлар ўтказмоқда.

Очиқ мулоқотларда ҳудудлардаги ҳар бир маҳалла кесимида бандлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим, ҳаёт-бахш ислохотларнинг бориши ўрганилиб, режа ва дастурлар ижросида сусткашликка йўл қўйган мутасаддиларга меҳнат қўнчилигига мувофиқ тегишли интизомий

жазоплар берилмоқда. Ўз ишига виждонан ва масъулият билан ёндашаётган раҳбарлар рағбатлантирилиб, хизмат лавозимлари кўтарилмоқда.  
Суратда: Янгийўл ва Чиноз туманлари фаоллари билан ўтган учрашувдан лавҳа.

Тошкент вилояти ҳокими топшириғи билан **ОҚҚУРҒОН туманидаги** ижтимоий ҳимояга муҳтож, «Темир дафтар»да турган 8 та хонадонга қайта тикланувчи қуёш батареялари ўрнатилди.

**ЯНГИЙЎЛ шаҳар** ҳокимлигида вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи З. Миргазиева маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, сектор котиблари билан учрашди.

**ЯНГИЙЎЛ тумани** ҳокимлиги томонидан энг яхши кўрсаткичга эга 64 нафар хотин-қизлар фаолига планшетлар топширилди.

**АНГРЕН шаҳар** Давлат солиқ инспекцияси биносида шаҳар прокурори У. Хабилжонов, ДСИ бошлиғи Ж. Усмонов, шаҳар ҳокими ўринбосари Ж. Зайниддиновлар тадбиркорлик субъектлари, дахлдор идоралар вакиллари билан учрашишди.

**ЧИРЧИҚ** ҳарбий прокурори Қобил Анорбоев ва **ҚИБРАЙ тумани** ҳокими Мирғаззам Мирқосимов иштирокида оммавий сайёр қабул ўтказилди.  
Унда фуқароларнинг кўплаб муурожаатлари, хусусан, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби саволларига жавоб берилди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан юборилган бадий китоблар **ОҲАНГАРОН шаҳридаги** кутубхонаси мавжуд бўлган 21 та маҳаллага тақдим қилинди.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Оҳангарон шаҳар бўлиниши томонидан «Маҳалла учун китоб» лойиҳасига старт берилди.

## Бунақаси

### БИТТАГИНА

Сўнги йилларда юртимиз катта бунёдкорлик майдонига айланган. Кундан-кунга янги иморатлар, тураржой мажмуалари, савдо комплекслари қад ростламоқда. Қурилишда эса вақт таъсири ва ташқи муҳит омилларига бардош бера оладиган оғир конструкциялардан фойдаланиш талаб этилади.

Бунёдкорлик



Юқори Чирчиқ туманидаги «Euro global invest» корхонаси йирик йиғма темир-бетон панеллари тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион евро бўлиб, 7 гектарлик ишлаб чиқариш майдонига Италия, Германия ва Австрия давлатларидан замонавий линиялар келтириб, ўрнатилган.

2021 йилнинг март ойида давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида мазкур корхона фаолияти билан яқиндан танишиб: «Шундай кластерларни бошқа ҳудудларда, Самарқанд ва водий вилоятларида ҳам кўпайтириш керак. Қурилишда энг муҳими нарх, сифат ва муддат. Шунинг учун рақобатбардош қурилиш материаллари тури кўп бўлса, нарх-наво арзонлашади. Бу корхонада малакали мутахассислар тайёрлаш учун марказ ташкил этиш керак», деган эди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Яхши хабар

## “Ohangaron Tech Industrial” технопарки ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида мис ва ноёб металлларни қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган «Ohangaron Tech Industrial» технопарки ташкил этилади.



Технопарк ҳудудида жойлаштирилмаган лойиҳалар учун зарур шарт-шароитлар, жумладан, ташқи муҳандислик-коммуникация инфраструктураси тўлиқ яратилади.

Ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 220 кВт. қучланишли электр узатиш тармоғи ва подстанция қуриш ишлари «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфраструктураси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 15 та мебоҳлик саноат зоналари ташқи инфраструктураларига харajatлари учун 55 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Технопаркнинг ташқи электр энергияси ва табиий газ таъминоти тармоқларини қуриш бўйича «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ҳамда «Ҳудудгазтаъминот» акциядорлик жамиятлари буюртмачи этиб белгиланди.

Электр узатиш тармоғи ва подстанция қуриш ишлари учун «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига республика бюджетидан 5 йил муддатга қайтариш шarti билан (1 йиллик имтиёзли давр)га бюджет ссудаси; табиий газ тармоғини қуриш ишлари учун «Ҳудудгазтаъминот» акциядорлик жамиятига 3 йил муддатга қайтариш шarti билан бюджет ссудаси ажратилади.

ЎЗА

## АЁЗНИНГ

ПИЁЗИ ҚИММАТ...МИ?



## ЧИҚИНДИДАН

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛИНАДИ



ЯХШИ ХОНАНДАНИНГ ЯХШИ ИБРАТИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING 2023 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси бажарилишини назорат қилиш вилоят сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи котиби, сайлов комиссияси котиби Ҳ. Одилов зиммасига юклатилсин.

3. Мазкур қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси

И. НОЁБОВ

Нурафшон шаҳри, 2023 йил 24 январь

МАТБУОТ ОВЛОҚДА, УЛОҚ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДА...МИ?

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда воқеликни ёритиш: талаб ва тавсиялар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Давра суҳбати

Бугунги кунда вилоят медиа майдонини оммавий ахборот воситалари, шунингдек, блогерлар ўз ўрнига эга бўлиб, ҳудудларнинг ижтимоий ҳаётида уларнинг фаоллиги тобора кучайиб бормоқда.

Айни пайтда вилоятда 25 номда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари муассислигидаги босма оммавий ахборот воситалари рўйхатдан ўтган. Ҳозирда "Юқори Чирчиқ ҳаёти" газетаси 7750 нусхада, "Паркент тонги" газетаси 4200 нусхада, "Истиқбол" газетаси 3400 нусхада, "Охангарон ҳаёти - Жизнь Ахангарана" газетаси 2871 нусхада, "Оққўрғон овози" газетаси 2323 нусхада, "Олмалик ҳаёти" ва "Чирчиқ тонги" газеталари 2000 нусхада чоп этилмоқда.

Тобора глобаллашиб бораётган даврда аудиторияга ахборотни тезкор ва ҳолис етказиш журналистлардан катта масъулият талаб этади.

Шу маънода, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда воқеликни ёритишдаги талаблар ҳам кундан-кунга ўзгариб бормоқда.

Ана шундай бир шароит

Гиёҳвандлик - умр заволи

ЗАҲАРЛИ "ОШ" - ҲИДИДАН ФОШ

Бугунги кунда гиёҳвандлик ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида кексаю-ёш яхши хабардор. Лекин шунга қарамай орамизда оғуфуршлик, гиёҳвандлик иллатига мубтало бўлганлар, унинг хатарли гулдобида тушиб қолаётганлар борлиги жуда ҳам ачинарли ҳолдир.

Айниқса, давралар тўрида хурматда бўладиган ёшида бу иллатга берилганларни қандай аташ мумкин?

Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси, 103-уйда яшовчи, ёши элликка борган Муротжон Эргашев ҳам ўз нафсининг қулига айланганлардан. Унинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланган ҳуқуқни муҳофа-

за қилиш идоралари ходимлари унда гиёҳванд моддаси борлигини сезиб, тан олишини сўрашганда, у ҳаммани алдамоқчи бўлди. Лекин таҳрибали тезкор тадбир иштирокчилари калаванинг учини тезда топиди.

Ҳолилар иштирокида М. Эргашев яшаётган хонадон кўздан кечирилганда молхонанинг томидан қороз кутига жойланган ўткир ҳи-

Бунақаси

БИТТАГИНА

Шунингдек, сифатли материаллар ишлаб чиқариш орқали қурилишнинг тўлиқ «занжири»ни ташкил этиш, уй-жойлар нарҳини янада арзонлаштириш, кўпроқ ёшларни ишга жалб қилиш зарурлиги таъкидланган эди.

Айтиш жоизки, корхона маҳсулотлари жаҳон стандартларига мос бўлиб, улардан қурилган уйлар таннархи 30 фоизга арзонлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Кластер усулидаги корхона йилига 500 минг куб. метр бетон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 1 миллион

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



тонна тош майдалаш, яна шунча асфальт тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда, шунингдек, ички ва ташқи эшиклар, дераза ромлари, мебеллар ҳам

асарларининг билимдонлари" танлови ва "Бобурни англаш" мавзусида иншолатанловини ўтказиш ва ғолибларни нуноси тақдирлаш вазифалари ҳам юклатилган.

2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш, шоир ғазаллари билан ижро этиладиган энг яхши кўшиқлар танловлари ҳамда "Назм ва наво" мақом кечаларини ўтказиш белгилаб олинди.

Маънавият

Барҳаёт сиймога

ЭҲТИРОМ



Февраль ойида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири - буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги кенг нишонланади. Бу борада Тошкент вилояти ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга кўра, корхона ва ташиқлотларда, таълим муассасаларида Бобурнинг илмий-ижодий меросига бағишланган ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоблар тақдимотлари ҳамда бошқа тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида "Бобур

ашарларининг билимдонлари" танлови ва "Бобурни англаш" мавзусида иншолатанловини ўтказиш ва ғолибларни нуноси тақдирлаш вазифалари ҳам юклатилган.

2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш, шоир ғазаллари билан ижро этиладиган энг яхши кўшиқлар танловлари ҳамда "Назм ва наво" мақом кечаларини ўтказиш белгилаб олинди.

Бугуннинг гапи

АЁЗНИНГ ПИЁЗИ ҚИММАТ...МИ?

Қўшнисиникидан чиққан Мастура опа келинининг қандай таом тайёрлаётганини билиш учун ошхона томонига ўтди. Келини ертўладан бир тоғорачада пиёз кўтариб чиқди.

- Ҳой-ҳой, нима қилаяпсиз? - деди шошиб келинига.

- Кечга манти пиширмоқчийдим, - деди келини ҳайрон бўлиб.

- Қанақа манти, битта овқатга шунча пиёз солмоқчимисиз? Кеча тайинладимку, пиёзни тежаб ишлатинга, таги кўриниб қолибди, деб. Бозорда пиёзнинг нархи осмонда бўлса?! Бунақа таомларни, ёзда пиёз кўпчилигида қиласиз. Энди таомга қўшиб ейиш учун дастурхонага бир ликолча пиёз қўйиш ҳам йўқ. Иложи бўлса, битта пиёзни ярмини ишлатиб, қолганини эртанга олиб кўйинг.

Бу гапдан келин кўлидаги пиёзни арчишга ҳам иккиланиб, доғдираб қолди.



Бугунги кунда аёллар ўртасида шундай гап-сузлар эшитсангиз, ажабланманг. Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда рўзғорда энг кўп ишлатиладиган пиёзнинг нархи кўтарилган. Айниқса, юртимизда қарийб 20 кун давом этган аномал совуқ туфайли пиёз янада қимматлашди.

Маълумотларга кўра, бу ҳолат дунёдаги қатор мамлакатларда ҳам кузатилмоқда. Бунинг эса ўзига яра-

ша сабаблари бор. Ўтган йили Европа мамлакатларида, айниқса, пиёзнинг жаҳондаги асосий экспортёри бўлган Нидерландиядаги қурғоқчилик, июнь ойида Покистонда бўлган сув тошқини ва бошқа сабаблар туфайли пиёз етиштириш аввалги йиллардагига нисбатан камайганлиги учун жаҳон бозоридан нархи кескин кўтарилиб кетди.

Юртимизда вазият-

ни ўнглаш учун тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Яъни, пиёз экспортига январ ойидан бошлаб 4 ойга кечков қўйилганлиги бозорларимизни бу маҳсулот билан узлуксиз таъминлашга ҳамда нарҳни меъёрида сақлашга хизмат қилади.

Вилоятимизда ҳам пиёз нарҳини барқарорлаштириш учун амалий ишлар қилинмоқда. Кеч қўзда ҳар бир туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг шакллантирилган захираси декабрь ойидан бошлаб жойларда ташкил этилган арзонлаштирилган ярмаркаларда сотилмоқда.

Нозима АРСЛОНОВА

Тошкент вилоятининг Паркент туманидан йўловчиларни тўғридан-тўғри метро бекатига етказиб қўювчи экспресс автобус йўналиши ташкил этилди.

ПАРКЕНТдан ПОЙТАХТга - 6 МИНГ СЎМ НАРХГА



Қулайлик

Белгиланган режага кўра, мазкур экспресс автобус Паркент автошоҳбекатидан "Янги Ўзбекистон боғи" орқали «Машина-созар» метро бекатига қадар ҳаракатланади.

Йўналишда қатновларни ташкил этиш мақсадида «Паркент АТС» МЧЖ томонидан 5 та янги "ISUZU NP 26" автобуслари харид қилинди. Йўналишга жами 8 та автобус бйриктирилган.

Қатновлар тонги соат 5:50 дан бошланади. Автобуслар 15 дақиқа оралиқ интервал билан ҳаракатланади. Қатнов давомида экспресс автобус фақатгина Янгибозор автошоҳбекатида тўхтаб ўтади.

Умумий масофаси 35 километрни ташкил этувчи ушбу йўналишда йўлқира нархи 6 минг сўм этиб белгиланган.

Тошкент вилояти Транспорт бошқармаси Ахборот хизмати

ИСМИГА ЗИД "ҚАҲРАМОН"

Мазкур лавҳа ҳам пул, мол-дунё учун бошқаларнинг бахтсизлиги эвазига бўлсада, гиёҳвандлик моддасини сотишдек жирканч ишга қўл урганлардан бири ҳақида.

...Ота-онаси унга яхши ниятлар билан Қаҳрамон деб исм қўйишган бўлса, ажаб эмас. Лекин у кирчиллама 31 ёшида, оиласи, гулдай аёли, шириндан-шакар уч фарзанди бўлатуриб, йўлдан адашди. Азбаройи бекорчилик ёки муҳтожликдан эмас. Ахир у Бўстонликдаги "Шаршара" кафесида ошпаз, даромади ҳам шунга яраша эди.

Аммо янада кўп бойликка эга бўлиш хирси уни тинч қўймади.

Гап шундаки, ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан Қаҳрамонга тегишли "Gentra" русумли автотомашина кўздан кечирилганда, машина салонидан 2 дона полиэтилен пакетга ўралган ўткир ҳидли, 2 дона конвалютадаги жами 28 дона "Регален" ва 2 дона "Тропикамид" дори воситалари топилди. Ашёвий далиллар ҳолислар иштирокида баённома асосида расмийлаштириб олинди. Суд кимёвий экспертиза хулосасига кўра, машина-

сидан олинган ўткир ҳидли модда 6,34 грамм "гашиш" экани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди Қаҳрамоннинг айбига иқроғлиги, қилмишидан қаттиқ пучаймонлиги, уч нафар воғга етмаган фарзанди борлиги, шунингдек, барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Ҳа, инсонпарварлик юзасидан Қаҳрамонга оиласи, фарзандларига бош бўлиб, ҳаётини тўғрилашга имкон берилди. Бунинг қадрига етиб, тўғри ҳаракат қилиш эса ўзининг қўлида.

Ҳолик ЖўРА

Мамлакатимизда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, соҳага янги инвестиция лойиҳаларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оҳангарон туманида ҳам маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Маълумки, ҳудуднинг “Янги ҳаёт” маҳалласида Тошкент шаҳрининг чиқинди полигони мавжуд бўлиб, бу ерда тўпланаётган чиқиндилар атроф-муҳитга ҳамда атмосферага салбий таъсир кўрсатаётир. Соҳага киритилаётган янги инвестиция лойиҳаси натижада ушбу муаммо бартараф этилади.



Гап шундаки, туманда Жанубий Кореянинг «SEJIN G&E Co Ltd» компанияси томонидан маиший чиқиндилар полигонларидаги чиқиндилардан газ олиб, уни қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилишига старт берилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари ва Энергетика вазирликлари, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси экология вазирлиги уринбосари бошчилигидаги Корея делегацияси вакиллари, туман ҳоки-

Янги лойиҳа



ЧИҚИНДИДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛИНАДИ

ми уринбосари Ғолибжон Эшмирзаев иштирок этди. Тадбирда янги лойиҳанинг тақдими бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, “Янги ҳаёт” маҳалласи ҳудудида жойлашган чиқинди полигонининг умумий майдони 89 гектарни ташкил қилиб, бу ерга пойтахтдан бир кунда қарийб 2 минг тоннагача чиқинди ташланади. Ушбу чиқиндиларнинг ҳажми кўпчилиги ҳамда ўз вақтида утилизация қилинмаслиги туфайли атроф-муҳитга катта зиён етмоқда.

Президентимиз 2019 йил 1-3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида мазкур чиқинди полигониди янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш зарурлиги тўғрисида топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, “Чиқинди газидан электр энергияси ишлаб чиқиш” инвестиция лойиҳаси доирасида Оҳангарон қаттиқ маиший чиқинди полигони ҳудудидан 1 гектар ер майдони ажратилди. Умумий қиймати 55 миллион долларга тенг бўлган ушбу

лоийҳанинг йиллик электр ишлаб чиқариш қуввати 16 мегаваттни ташкил этади.

Лойиҳа доирасида полигондаги чиқиндиларнинг усти ёпилиб, улардан газ олинади. Газни қайта ишлаш эвазига эса муқобил электр энергияси олинади. Шунингдек, атмосферага кўп миқдордаги иссиқхона газларининг чиқиши, ер ости қатламга зарарли моддаларнинг сингиши, турли эпидемиологик касалликлар келиб чиқишининг олди олинади. Яъни, атмосферанинг ифлосланиши ва бадбўй ҳид чиқишига барҳам берилиб, чиқиндихона ўрнида боғ яратилади.


Абдулазиз МУСАЕВ

Эълонлар

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 декабрдаги “Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-435-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, бошқарманинг Зангиота тумани бўлимига тегишли ер майдонида (Қатортол қ.ф.й., ГЭС-1) янги маъмурий бино ва ўсимликлар клиникасини қуриш бўйича ташаббускор ташкилотни танлаш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Танлов юзасидан таклифлар (71) 202-10-00 телефон рақами ёки info@karatin.uz электрон почта манзили орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда 2023 йил 7 март соат 14:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
<b>Шаҳар ичи йўналишлари</b>			
1.	Ши-1 й.т.	“4-кичик ноҳия – Марказий бозор – Марказий шифохона – Оқ қайин – 4-кичик ноҳия”	йўналишли такси
2.	Ши-2 й.т.	“Ангрен АШБ – Самарчук маҳалласи”	йўналишли такси
3.	Ши-5 й.т.	“5/5 даҳаси – Чинобод маҳалласи”	йўналишли такси
4.	Ши-11 й.т.	“Қўргонча кўчаси – 5/3 кичик ноҳия (Рух заводи орқали)”	йўналишли такси
5.	Ши-33 й.т.	“Суд тиббиёт экспертизаси – ОТМК профилаторийси”	йўналишли такси
6.	Ши-36 й.т.	“Ёрдам маҳалласи – Марказий бозор”	йўналишли такси
<b>Шаҳар атрофи йўналишлари</b>			
7.	ВХ-218	«Янгийўл АШБ – Тошкент – Олмазор метроси» (Экспресс)	автобус
8.	ВХ-219	«Шифобахш сувлар – Беруний метроси» (Экспресс)	автобус
9.	ВХ-220	«Жумабозор кўргони – Роҳат (5-метро бекати)» (Экспресс)	автобус
10.	ВХ-332	“Олмалик АШБ-Қизилой-Ургўсзой қишлоғи”	автобус
11.	ВХ-334	“Олмалик АШБ – Нуробод кўргони”	автобус
12.	ВХ-335	“Оҳангарон деҳқон бозори – Тут қишлоғи”	автобус
13.	ВХ-546	«Янги Чорбоғ маҳалласи – Академик лицей»	автобус
14.	ВХ-223 й.т.	“Янгийўл шаҳар бозори – Паррандачилик фабрикаси”	йўналишли такси
15.	ВХ-266 й.т.	“Ниезбош маҳалласи – Олмазор метро бекати”	йўналишли такси
16.	ВХ-268 й.т.	“Ғазалкент АШБ – Буюк Ипак йўли метро бекати (4Р12 йўли орқали)”	йўналишли такси
17.	ВХ-274 й.т.	“Янгийўл АШБ – Самарқанд маҳалласи – FOOD CITY савдо мажмуаси”	йўналишли такси
18.	ВХ-295 й.т.	“Янгийўл шаҳар деҳқон бозори – Кескен қишлоғи”	йўналишли такси
19.	ВХ-323 й.т.	“Ангрен деҳқон бозори – Увак маҳалласи”	йўналишли такси
20.	ВХ-338 й.т.	“Чувилдоқ қишлоғи – Ангрен деҳқон бозори”	йўналишли такси
21.	ВХ-342 й.т.	“Санам қишлоғи – Ангрен деҳқон бозори”	йўналишли такси
22.	ВХ-344 й.т.	“Қайтмас қишлоғи – Нурафшон АШБ”	йўналишли такси
23.	ВХ-351 й.т.	“Ангрен деҳқон бозори – С. Раҳимов ф.у.”	йўналишли такси
24.	ВХ-364 й.т.	“Янгибозор АШБ – Ўртасарой кўргони”	йўналишли такси
25.	ВХ-427 й.т.	“Бойкўрган маҳалласи (Намунавий уйлар) – Қўйлик кийим бозори”	йўналишли такси
26.	ВХ-440 й.т.	“Нурафшон АШБ – Алимкент кўргони (Беруний МФЙ орқали)”	йўналишли такси
27.	ВХ-441 й.т.	“Олим ота кўчаси – Қўйлик кийим бозори”	йўналишли такси
28.	ВХ-445 й.т.	“Бешбой маҳалласи – Қўйлик деҳқон бозори (Қорасув орқали)”	йўналишли такси
29.	ВХ-458 й.т.	“Беруний ф/у – Тошовул қишлоғи – Қўйлик деҳқон бозори”	йўналишли такси
30.	ВХ-460 й.т.	“Пушкин бекати-Шоимкўприк маҳалласи-Ширин АШБ (Фарҳод орқали)”	йўналишли такси
31.	ВХ-466 й.т.	“Абдураҳмонов ф/у – Чорсу бозори – Тошкент савдо маркази (ГУМ)”	йўналишли такси
32.	Битта пакет билан: ВХ-470 й.т. ВХ-473 й.т. ВХ-485 й.т.	“Навоий ф/у – 17-шаҳар шифохонаси” “Чувалачи” қ.ф.й. – Дўстлик маҳалласи – Чорсу бозори” “Қурилиш ва СХКХ – Қизгалдоқ МФЙ”	йўналишли такси йўналишли такси йўналишли такси
33.	ВХ-478 й.т.	“Кенсой қишлоғи – Юнусобод бозори”	йўналишли такси
34.	ВХ-481 й.т.	“Мевазор маҳалласи – Чорсу метро АШБ”	йўналишли такси
35.	ВХ-482 й.т.	“Келес шаҳарчаси-Чорсу бозори-Беруний АШБ”	йўналишли такси
36.	ВХ-492 й.т.	“Янгибозор АШБ – Чингелди қишлоғи – ТТЗ бозори”	йўналишли такси
37.	ВХ-498 й.т.	“Тузель қишлоғи-Авиасозлар АШБ”	йўналишли такси



38.	ВХ-505 й.т.	“Чирчиқ АШБ – Хужакўрган қишлоғи”	йўналишли такси
39.	ВХ-521 й.т.	“Қипчоқ қишлоғи – ТТЗ АШБ”	йўналишли такси
40.	ВХ-524 й.т.	“Қибрай АШБ – Чирчиқ АШБ”	йўналишли такси
41.	ВХ-525 й.т.	“Жамбул қишлоғи – Қибрай АШБ”	йўналишли такси
42.	ВХ-527 й.т.	“Чирчиқ АШБ – Қўйлик кийим бозори”	йўналишли такси
43.	ВХ-529 й.т.	“Чирчиқ АШБ – Узумзор маҳалласи”	йўналишли такси
44.	ВХ-536 й.т.	“Қипчоқ маҳалласи-Қизилту-1-Туғруқхона (Қибрай)”	йўналишли такси
45.	ВХ-538 й.т.	“Чирчиқ АШБ – Айдарали қишлоғи”	йўналишли такси
46.	ВХ-531 й.т.	“Чирчиқ АШБ – “С.Нажимов” божхона пости – Чегара блок пости”	йўналишли такси
47.	ВХ-537 й.т.	“У.Юсупов (ГОСТР) – ТТЗ АШБ – Наврўз бозори”	йўналишли такси
48.	ВХ-548 й.т.	“Ғазалкент АШБ – Хумсон дам олиш оромгоҳи (Бештут орқали)”	йўналишли такси
49.	ВХ-550 й.т.	“Ғазалкент АШБ – Буюк Ипак йўли метро бекати”	йўналишли такси
50.	ВХ-570 й.т.	“Чирчиқ АШБ – Ғишткўприк чегара блок пости”	йўналишли такси
51.	ВХ-634 й.т.	“Пискент хизмат кўрсатиш ва технологиялар касб-хунар коллежи – Олмалик БТИ”	йўналишли такси
52.	ВХ-644 й.т.	Чирчиқ АШБ – Оқтош қишлоғи (Ғазалкент АШБ орқали)	йўналишли такси
53.	ВХ-654 й.т.	“Ёшлик маҳалласи – Чирчиқ АШБ”	йўналишли такси
54.	ВХ-662 й.т.	“Бўка деҳқон бозори – Оққўрган АШБ (“Б.Умаров” ва “Рамазон” қ.ф.й. орқали)”	йўналишли такси
55.	ВХ-670 й.т.	“Янгибозор АШБ – А.Ясавий ф/у”	йўналишли такси
56.	ВХ-692 й.т.	“Оққўрган АШБ – Қўйлик деҳқон бозори”	йўналишли такси
57.	ВХ-717 й.т.	“Мирзабобоев МФЙ – Янгийўл АШБ”	йўналишли такси
58.	ВХ-721 й.т.	“Нихол маҳалласи – Бўзсув ф/у – Чинни бозор”	йўналишли такси
<b>Шаҳарлараро-вилоят ичи йўналишлари</b>			
59.	ВХ-309	“Тошкент АШБ – Ангрен деҳқон бозори”	автобус
60.	ВХ-340	“Ангрен деҳқон бозори – Олмалик АШБ”	автобус

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги “Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 738-сонли қарори талабларига мувофиқ шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қо-

рақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ:

– Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади;  
– Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзида бир нечта тугалланмаган лотларга ҳамда амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимида киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш мuddати тугашига олтиш ва ундан кам кун қолганида мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимида киритилишига йўл қўйилади).

Талабор ўз тендер таклифларини тендерни ташкил этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажат-

ларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдоридидаги тўловни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига (АТБ “Ипотека банк” Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279, банк коди: 00997, СТИР: 202811527) ўтказиб, 2023 йил 6 март соат 14:00 гача ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиши шарт.

Тендер таклифлари белгиланган мuddат якунланганидан кейин қабул қилинмайди ҳамда Тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Қатнашчилардан тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти транспорт бошқармаси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00 (213).

Эзгулик

Бир шоир биродарим билан шеър ҳақида суҳбатлашиб турганимизда:
- Тунлари қон ютиб қофия излаганимни айтмайсизми? - деб қолди.
- Нимага? - дедим ҳайрон бўлиб.

- Чаппа луғатингиз йўқми?
Маълум бўлдики, у дунёда бундай луғат борлигидан тамоман беҳабар экан. Бу суҳбатга ҳам 40 йилча бўлди.

Чаппа луғатингиз йўқми?



Хўш, ҳозирги шоирларимизнинг неча фоизи шундай таппа-тайёр луғат борлигини билмади? Ҳарҳолда, биладиганлардан билмайдиганлар сони - ҳаддан ташқари кўп. Чунки бундан ролпа-роса 51 йил бурун Самарқанд шаҳрида 8 минг нусхада босилган бу китоб кимга етган-у, кимга етмаган?

тескарисига амал қилинади. Сўзларни жойлаштиришда охири ҳарфидан бошланиш ҳарфига қараб борилади. Масалан, "Ўзбек тилининг чаппа луғати"даги "а" ҳарфи қисми мана бундай бошланади:

Табаа
матбаа
муролаа
муофаа
ба
дабдаба...

Бу луғат шеърда қофия танлаш учун жуда-жуда қўл келади. Луғатда мавжуд ҳоқлаган бир сўзнинг амалда тилдаги қарийб барча қофиядошлари бир ерга йиғилиб турибди. Марҳамат, шоир улардан ҳоқлаганича фойдаланаверсин.

Луғат тузилганидан буён орадан, мана, ярим аср ўтибди. Табиийки, айрим сўзлар қолиб кетган. Шеваларимизда адабий тилга олишга аризулик қанча сўз ва шакл бор. Минг йиллик ёзма адабиётимизда қўлланган, бугун унутилган, бироқ зарурат туғилганда қўллана бўлаверадиган яна қанча калимаю иборот мавжуд, кун сайин тилимизга янги-янги сўз ва атамалар кириб келяпти. Қани энди бир дуоталаб теллуносимиз кунт қилса-ю, шу луғатни тўлдириб, қайта нашр эттирса...

Олий таълим тизими учун чиқарилган бу қўлланма, афтидан, ўз даврида талабаларга тарқатилган. Бахтли тасодиф туфайлигина бир нусхаси каминанга ҳам насиб этган. Ундан фойдаланишни бир-икки шоирга тақлиф қилсам, тушларида ҳам кўрмаганликларини айтишди. Сканер қилиб олиш учун китобни

бериб туришни сўрашди. Бажонидил бериб тураман. Лекин ҳаётда ноёб китобни бировга омонатга бериб, бир умрга қайтариб ололмаган пайтлар кўп бўлган. Сканерхонада уста йўқотиб қўганимни, талабалардан бири олиб қўганими-ей... баҳона қилинади, дардингизни кимга айтасиз?

Бундан ташқари, бу нашр шундай сифатсиз қозога босилган ва орадан ўтган ярим асрдан зиёд даврда қозғошунчалар "қариб" қолгани, очиги, агар уч-тўрт марта сканер қилинса, варақлари титилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Аммо фақат ўзинг фойдаланиб, бошқага раво кўрмаслигинг ҳам гуноҳи бор. Нима қилиш керак?

Уйдаги ижодхонада таппа-тайёр сканер аппарати бўлса, китоб қўлда турган бўлса, озгина меҳнатни демаса, уни тўлиқ сканер қилиб, компьютерга солиш мумкин-ку.

Холис ният билан шу эзгу иш амалга ошди. Энди, ҳатто, ўзим ҳам керак пайти компьютер нусхасидан фойдаланишим мумкин. Яна қанча шоирга улашаман.

Агар телеграммингизда "Ўзбек тилининг чаппа луғати" сканер нусхаси пайдо бўлиб қолса, ажабланманг. Яна ҳам қўлайроқ бўлишини истасангиз, компьютер орқали қозога чиқариб, муқовалатиб олинг.

Илоҳо, яхши-яхши шеърлар дунёга келишида у ёрдамчингиз марҳамат қилинган. Фақат Самарқанд давлат университетининг уни тузган домчалари ҳақиқига бир дуо қилиб қўйсангиз, бас.

Султонмурод ОЛИМ, филология фанлари номзоди

Дарвоқе

Бугун ўз ижоди билан ижтимоий тармоқларни "ёндираётган" хонанда Жалолиддин Аҳмадалиевнинг яқинда бўлиб ўтган "Янги Ўзбекистон юлдузлари" миллий мукофотининг тақдимот маросимида кўрсатган "хунари" трендда. Кимдир олқишлаган, кимдир норози бўлган. Хонандани кибр ва риёда айблаётганлар ҳам йўқ эмас.



ЯХШИ хонанданинг ЯХШИ ИБРАТИ

"Йилнинг энг яхши эстрада хонандаси" деб топилган ҳофиз мукофотни қабул қилиб олар экан, унга статуетка ва дипломини топшираётган Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонованинг узатган қўли... муаллақ қолди. Хонанда аёл санъаткор билан қўл бериб қўришмади, аксинча, ўзбеккона такаллуф билан елка тутди.

Шунинг учун қафт қафтга тегмаслиги риюси қилинган.

Қолган ҳудудларда деярли барча аёллар саломлашганда эр кишининг елкасини қоқиб қўйган. Ёши улуг онахонлар эса курақларини ҳам силаган.

Бу ҳурмат-эҳтиром замирида "танингиз соғ бўлсин", "курагингиз ерга тегмасин", "елкангиздаги юклар енгил бўлсин", деган маънолар ётади.

Ёш санъаткорнинг бу ҳаракати бошқаларга намуна бўлди.

Ёшлар орасида унутилаётган миллий қадриятларимизни қайта уйғотди, бошқачароқ айтганда трендга олиб чиқди.

Отабек БАКИРОВ



Мана ган
- Нега қадам қўйган одамни кўтариб урасан? - деб сўрашди Яхмалақдан.
- Юзимга оёқ босишмасин-да, - деди Яхмалақ.

Ўтган кунлар ҳангомаси

Овоз чиқариб ўқиш шарт!

Мен бахтни кўрганман...



Мен бахтни кўрганман. Кўрганман. Аниқ. Ўрдада ноҳақон келган рубарў. Қиш кунни. Пальтога олган ўраниб, Бесас бир ҳайратда қотганман: - Вой-бў!..

Йўлқалар четида баланд чинорлар, Қатор тизилишган. Беҳаракат. Жим. Донг қотган бекавлар, қорлар, шиорлар... Аммо бахт эканин билмаган - ҳеч ким.

Бахт жуда чиройли эди! Чиройли! Чиройли! - совуқда юзин яшинаш. Ҳатто қор пойида ғирчиллар эди, Танини эзса ҳам ўткир пошнаси.

Юзи теғрасида рўмоли - туман. Бир учи кифтига ташланган эди. Лолликдан бошқа ҳол бўлган эди манъ - Уни кўриб бу иш бошланган эди.

Мен бахтни кўрганман. Кўрганман. Аниқ. Ҳатто кўзларимиз учрашган бир зум. Ўртада бўлмаган салому алик, Фақат лабларига қўнган табассум.

Шу тарз ўтиб кетган ёнимдан. Ташхис: Жоним чиқмасликка у дам яраган. Ўерлиб қарасам, ортимга илкис, Ишонинг-ишонманг. бахт ҳам қараган!

Шундан буён менга бу дунё бир пул! Номард галвалари беролмас озор. Юрагим эрта-кеч шеър билан машғул - Бахтни учратганман! Нима ғамим бор!

Ёниб кириб келсам (юришим - сарбаст!) - Фасод давраларга - гийбат тинади, Ахир, менга ҳеч ким келолмайди бас - Бахтга дуч келганин барча билади.

Мардлуим билшар (дўсту ёв озоҳ!): Нечун "юр" деб бахтни қўстамаганман, Бахтни эптаганман не учун ҳамроҳ?... Бебахт бўлишини истамаганман.

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири

Совуқ ўлкалардан Тошкентнинг қоқ марказида яшайдиган уйларнинг бирига меҳмон келди. Меҳмон эшикни бузиб юборгудек тақиллатди. Ичкарида совуқдан дағ-дағ қалтираб, эгнига тўрт-беш қават иссиқ кийимларни кийиб, камига устига катта кўрпани ташлаб олган Абдурахмон эшикни очди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Не кўз билан қарасинки, узоқ йиллардан бери кўришмаган собиқ кулолдоши. Улар бир-бирларини бағриларига босишди. Мезбон меҳмонни ичкарига тақлиф қилар экан, шароитдан бир оз хижолат чекди. Дастурхон атрофидаги суҳбат қизигандан-қизиди.

- Хўш Андрей, Сибирда нима гаплар?

- Сибирь ўша-ўша. Совуқ, қор, бўрон, шамол, ҳаммаёқ яхмалақ... Бир нарса сўрасам майлими, ўртоқ?

- Сўра, сўрайвер, жавоб беришга тайёрман, жўра.

- Анча йил илгари Тошкентдаги кишининг таърифини гапириб берганимда ишонманган эдим. Келдим лол қолдим. Мени алдамаган экансан.

- Бизда ёлгон бўлмайди, жўра.

- Нега қоронғуда ўтирибсан?

- Битта мен эмас, ҳамма шундай зимистонда.

- Сабаби нимада? Қишга тайёргарлик бўлмаганми?

- Бўлган жўра, бўлган. Лекин натижа бўлмаган.

- Газ ҳам йўқми?

- Очиги, газ деган сўзни гоҳида эсдан чиқариб қўямиз. Чунки бизга аҳамияти йўқ.

- Сув борми, ишқилиб? - Сув бор. Лекин у ҳам кунлар исиганда келади. Яна саволларинг борми? Тортинмасдан беравер. - Нима дейишни ҳам бил-

йўқ, свет йўқ, сув йўқ, шамол, кўчалар яхмалақ, машиналарга ёқилги етишмайди, айрим одамларда фаросат етишмайди. Эй, нимасини айтай, жўра. - Сен айтган ҳалиги, нима

Чилланинг "ҳилла"си



май қолдим. Ҳақиқатан сизларда қиш қаттиқ бўлар экан. Сен айтган чилла дегани қачон бўлади? - Ўртоқ, ҳозир шу чиллада ўтирибмиз. Кўрпаясан, газ

эди-я, чилладан кейин нимадир бўлади дегандинг-ку?! - Ҳилла-ми? - Ҳа, уша хилла қачон бўлади? - Ҳилланинг бошланганига

анча бўлган. Фақат уни кўриш учун чекка қишлоқларга, овулларга бориш керак. Ишқилиб, у ердагилар омон-эсон қишдан чиқиб олишсин-да. Саволларинг тугадими? Энди тор, ташқарига чиқимиз. Уйда сенга бирор егулик ҳам қўя олмадим, меҳмон қилолмадим. Эсингда бўлса, ўшанда шундай шароитда ҳам ўзбеклар тўй қилади, ош беради, деган эдим. Бир шуни кўрсатиб қўяй.

- Ҳой, ўртоқ. Сен яна бир нарса деган эдинг. Ҳалиги, мушук ҳақида.

- Ҳа, бу ерларда энди мушук топиш осон эмас. Чунки атрофда баланд қаватли уйлар кўпайиб кетгани сабаб, ҳатто мушукларга ҳам жой қолмаган. Агар жуда кўраман десанг, чекка овулларга олиб бораман.

- Эсингдами, ўшанда ҳам хилла ҳақида гап бошлаганимда: бўлди, керак эмас, дегандим. Уша гапимда тураман, ўртоқ. Майли хиллани кўрмай қўяқолай.

- Хўш жўра, қалай, бизнинг қиш ёқдими сенга?


- Тўғриси айтмайми?

- Албатта...

- Ростини айтсам, ёқмади. Тезроқ кетақолай, яна анови хилла деганинг келиб қолмасин. Ёмонам кўрқяпман, ўртоқ.

- Кетадиган бўлсанг, яна битта чипта қўшиб олсанг. Сизларда қиш ҳали ҳам уша пайтдагидек бўляптими? Совуқ ҳам аввалгидекми? Унда сизлар билан яшасаммикан, деган фикр хаёлимдан ўтятмида. Сен нима дейсан, жўра?

Оққа кўчирувчи: Асрор СУЛАЙМОНОВ



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra'no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEVA

Qabulxonasi: (71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10

Mas'ul kotib: (71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Navbatchi muharrir: Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas'ul kotib: Ailoma AZIZOVA
Navbatchi: Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Bosishga topshirildi - 20.40. Nashr ko'rsatkichi - 205. Buyurtma G-135.

3 136 nuxxada chop etildi. Hajmi - 2 taqob. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32. ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. 123456